

# Мавзу: ДАВЛАТНИНГ ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ

## Р Е Ж А:

1. Давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи тушунчаси ва унинг умумий тавсифи.
2. Давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи субъектлари.
3. Давлат ер фонди давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқи объекти сифатида.
4. Давлатнинг ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг мазмуни.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам да бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлиқдир деб қайд этилган. Ўзбекистоннинг Асосий қонуни ерларга нисбатан мулк ҳуқуқи масаласини уларни умуммиллий бойлик деб тан олиш йўли билан ҳал этган. Ер участкалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўчмас мол-мулк турлари қаторига киритилган (83-модда). Ерни бир жойда кўчмас мулк, бошқа жойда эса бизни ўраб турган табиий муҳитнинг таркибий қисми деб аташ мумкин. Бу эса ерларни ҳам эқологик, ҳам иқтисодий белгилари мавжудлигини англатади. Ер бир вақтнинг ўзида ҳам табиий объект, ҳам мулк бўлиб қолаверади ва уни атроф муҳитдан ажратиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ерга нисбатан мулк ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг **Фуқаролик кодексида**, “**Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида**”ги, Ер кодексида ва “**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**”ги қонунларда белгиланаган. Мулк ҳуқуқи ерлар кимга тегишлилигини ва мулкдорларнинг табиий ресурсларга нисбатан ваколатларини аниқлатади. Ерга нисбатан мулк ҳуқуқи уни эгаллик қилиш, фойдаланиш ҳам да тасарруф этиш жараёнларида намоён бўлади.

Ерлар Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ асосан давлат мулки ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси **Фуқаролик кодексининг 214-моддасига** мувофиқ ерлар республика мулки ҳисобланади **Фуқаролик кодексининг 214-моддаси иккинчи қисмига** асосан республика мулки бўлган мол-мулкни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Хукумати ёки улар маҳсус вакил қилган органлар, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, тасарруф қиладилар. Ушбу кодекснинг **170-моддаси** ерга ва бошқа табиий ресурсларга бўлган мулк ҳуқуқини Фуқаролик кодекси билан биргаликда бошқа қонунларда ҳам белгиланишини кўзда тутди.

Ерларга нибатан мулкчилик масаласи Ер кодексининг 16 ва 18-моддаларида, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ёритилган.

Ерларга нибатан мулкчилик масаласи Ер кодексининг 16 ва 18-моддаларида, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасида ёритилган.

Ерларни давлат номидан тассаруф этишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари амалга оширади. Мазкур органларнинг табиий ресурсларни тасарруф этиш бўйича ваколатлари Ер кодекси, мазкур органлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган.